

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН ҲУКМ

2021 йил сентябрь ойининг 14 куни жиноят ишлари бўйича Бектемир туман суди “Чашма” маҳалла фуқаролари йиғини биносидан, сайёр суд мажлисида, туман судининг раиси И.Мухамедованинг раислигида, судья ёрдамчиси М.Юсуповнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Тошкент шаҳар Бектемир туман прокурори ёрдамчиси А.Ахмедов, жабрланувчи У.Мусаев, судланувчи А.Ахмедов ва унинг ҳимоячиси “TDA BEKTEMIR ADVOKATLARI” адвокатлик фирмаси адвокати Н.Рискуловларнинг иштирокида Ахмедов Азиз Жалоловичга нисбатан 1-1010-2101/284-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

Ахмедов Азиз Жалолович, 1994 йил 16 январь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, “МММ” МЧЖда ишчи, Тошкент вилояти, Ўртачирчиқ туманида доимий рўйхатда туриб яшайди, мазкур иш бўйича “шахсий кафилик” тарзидаги эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини ўз вақтида олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчининг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### А Н И Қ Л А Д И:

Судланувчи А.Ахмедов 2021 йилнинг 26 июль куни соат тахминан 18:30ларда Тошкент шаҳар Бектемир тумани “Қўйлиқ улгуржи бозори”га кириш дарвозаси олдида бўла туриб, ўзганинг мулкани очикдан-очик талон-торож мақсадида, шу ердан ўтиб кетаётган фуқаро Мусаев Улуғбек Нематжоновичнинг эғнидаги спорт кийимининг ўнг чўнтагида бўлган, баҳоси 1.000.000 сўмлик “Редми-7А” русумли телефон аппаратини тортиб олиб воқеа жойидан яширинмоқчи бўлганида ўзига боғлиқ бўлмаган ҳолатда жиноий мақсадини охирига етказа олмасдан, шу ерда хизмат олиб бораётган ИИО ходимлари томонидан ашёвий далил билан қўлга олиниб, ундан “Редми-7А” телефон аппарати холислар иштирокида ҳужжатлаштириб олинган.

Суд мажлисида судланувчи тариқасида сўроқ қилинган А.Ахмедов унга нисбатан эълон қилинган айбловга тўлиқ иқрорлик билдириб, қуйидагиларни маълум қилиб, у 2021 йил 26 июль куни кеч соат



18:30 ларда “Гранд Роад” номли фирмадан ишдан чиққач “Қўйлиқ дехқон бозори” ёнида пиво хонадан пиво ичиб, сўнг уйига Тошкент вилояти Юқоричирчиқ туманига қайтаётган вақтида кўприкда унга кейинчалик маълум бўлган Мусаев Улугбек Нематжанович унга тоби бўлмаётганлиги учун Тошкент-Бекобод таксилар автотураргоҳигача олиб бориб қўйишини илтимос қилгани, унинг кўриниши анча ёмонлиги билиниб тургани, дастлаб унга ёрдам бериш мақсадида У.Мусаевни “Қўйлиқ дехқон бозори” олдида жойлашган Тошкент-Бекобод автотураргоҳигача олиб бориб қўйгани, иккалалари биргаликда У.Мусаев учун такси гаплашишгани, лекин такси ҳайдовчиси 30.000 сўм нарх айтганлиги сабабли У.Мусаев бу нархга рози бўлмасдан такси ҳайдовчиси билан келиша олмай яна орқага “Қўйлиқ дехқон бозори” дарвозаси олдида жойлашган атрофи қора рангли темир панжара билан ўралган автотураргоҳга бориб ўтиришгани, орадан тахминан 2-3 дақиқалар ўтганидан сўнг унинг эғнидаги спорт кийимининг чўнтагидаги телефон апаратини кўриб қолиб, унинг аҳволи ёмонлигидан фойдаланиб, кредит тўловлари учун пулга муҳтож бўлиб қолганлиги ва пиводан бироз маст бўлиб қолганлиги туфайли ҳаёли бузилиб, унда телефон апаратини очикдан-очик талон-торож қилиш фикри пайдо бўлганлиги, сўнг телефонни унинг чўнтагидан олиб орқасига ҳам қарамай “Қўйлиқ дехқон бозори” томонга қараб югуриб кетгани, У.Мусаев унинг телефонини олиб қўйганлигини кўриб, билибд турсада, аҳволи жуда ёмон бўлганлиги учун унинг ортидан қувлашга ҳоли бўлмаганлиги, югуриб кетаётган вақтида, яъни У.Мусаевнинг ёнидан тахминан 20-30 метрлар узоқлашганида уни фуқаролик кийимидаги ИИО ходимлари ортидан қувлаб ушлаб олишгани, сўнг У.Мусаевдан очикдан-очик талон-торож қилиб олиб қочган телефон апаратини холислар иштирокида баённома асосида расмийлаштириб олишгани, содир этган жиноятини тушуниб етгани ва қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, жабрланувчидан узр сўрагани, бундай ҳолат бошқа такрорланмаслигига ваъда бериши ҳақида кўрсатув бериб, суддан унга нисбатан енгиллик беришини сўради.

Суд мажлисида жабрланувчи тариқасида сўроқ қилинган У.Мусаев қуйидагиларни баён қилиб, у 2021 йилнинг 26 июль куни соат тахминан 18:30ларда Тошкент шаҳри, Бектемир тумани ТҲАЙ кўчасида жойлашган “Қўйлиқ дехқон бозори” ёнидаги “Тошкент-Бекобод” йўналиши бўйлаб ҳаракатланувчи транспорт воситалари турадиган жойга келган вақтида, ўзини ёмон ҳис қила бошлагани, шунда уни олдида кейнчалик унга маълум бўлган А.Ахмедов келиб, Тошкент вилояти, Чирчиқ шаҳрига қандай қилиб етиб бориш мумкинлиги тўғрисида сўрагани, унга у ерга боришни билмаслигини маълум қилган вақтида ўзини янада ёмон ҳис қила бошлагани, ўзини йўқотиб, ерга ўтириб қолаётгани учун А.Ахмедовдан унга ёрдам бериб юборишини



илтимос қилгани, у тез-тез шундай ҳолатга тушиб қолиши, бундай ҳолатга тушган вақтларида кўчада бўлса ўша ердан ўтган фуқаролардан ёрдам сўраши, шу куни ҳам тоби бўлмай қолгани учун А.Ахмедовдан ёрдам сўраб, уни Тошкент вилояти, Бекобод туманига қатновчи такси ҳайдовчилари олдига олиб бориб, жўнатиб юборишини сўрагани, у рози бўлиб, уни бозор олдида жойлашган пиёдалар ўтишлари учун мўлжалланган ер ости йўли олдида жойлашган Бекобод туманига қатновчи ҳайдовчиларни олдига олиб боргани, ҳайдовчилардан бири билан келишмоқчи бўлганларида, у 30.000 сўм пул сўрагани, қиммат сўрагани учун у рози бўлмагани, шундан сўнг, А.Ахмедов унга Бекобод туманига автобусда кетишини маслаҳат бергани, у автобусда кетмаслигини айтиб, уни таксига ўтирғизиб юборишини сўрагани ва “Қўйлик деҳқон бозори” олдида бўлган қора рангли темир панжара олдида бироз ўтиришгани, орадан тахминан 2-3 дақиқа ўтгач, иккаласи ҳам ўрнидан туришгани, бу вақтда у озгина ўзига келиб қолган бўлгани, шунда у яна А.Ахмедовга транспорт воситаси гаплашиб беришини сўраган бўлсада, у гапларини эшитиб, такси томон қараб гаплашмасдан туравергани, кейин А.Ахмедов кутилмаганда эғнидаги қора рангли спорт кийимининг ташқи ўнг чўнтагида бўлган бозор нархи 1.000.000 сўмни ташкил этувчи “РедМи 7-А” русумли телефон апаратини очиқдан-очиқ қўлга киритиб, унинг ёнидан бирданига қочиб кетгани, бундан соғлги яна ёмонлашиб қолгани, уни ортидан қувлаш учун, чақириб тўхтатиш учун мадори бўлмаганлиги ва довдираб жойида ерга ўтириб қолганлиги, шу вақт уни олдига фуқаролик кийимида бўлган ИИО ходимлари келиб, ундан нима бўлганлигини сўрашгани, уларга бўлиб ўтган ҳолатни, яъни А.Ахмедов унинг чўнтагига қўлини тиқиб, очиқдан очиқ 1.000.000 млн сўмлик “РедМИ 7-А” русумли телефон апаратини олиб кетиб қолганлиги айтгани, шундан сўнг ички ишлар ходимлари А.Ахмедовнинг ортидан қувлаб тутиб келтиришгани, ҳозирда унга телефон апарати қайтариб берилганлиги, шу сабабли судланувчига нисбатан ҳеч қандай моддий ва маънавий даъвоси йўқлиги ҳақида кўрсатув бериб ўтди.

Судланувчи А.Ахмедовнинг юқорида баён этилган жинояти, унинг ўз айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатувидан, шунингдек, судда сўроқ қилинган жабрланувчи У.Мусаевнинг кўрсатувларидан ташқари, суд мажлисида тарафларнинг розилиги билан ўқиб эшиттирилган гувоҳ О.Тўхтамишевнинг дастлабки тергов даврида берган кўрсатувлари, жабрланувчининг аризаси, нарсани олиш баённомаси, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган фото жадваллар, нарсани таниб олиш учун кўрсатиш, нарсани кўздан кечириш баённомалари ҳамда уларга илова қилинган фотожадваллар, нарсани ашёвий далил деб эътироф этиш тўғрисидаги қарор, юзлаштириш баённомаси, гумон қилинувчининг



кўрсатувларини ҳодиса содир бўлган жойда текшириш баённомаси ҳамда жиноят ишида тўпланган ва суд мажлисида Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 95-моддасига мувофиқ текширилган далиллар билан тўлиқ тасдиқланди.

Суд, судланувчи А.Ахмедовнинг содир этган жиноий ҳаракатларига ҳуқуқий баҳо бериб, унинг қасддан содир этган талончилик, яъни ўзганинг мулкани очиқдан-очиқ талон-торож қилишга суиқасд қилишда ифодаланган ҳаракатлари Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Суд, судланувчи А.Ахмедовга нисбатан жазо тайинлаш масаласини муҳокама қилиб, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7 ва 8-моддаларида назарда тутилган инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя қилган ҳолда юқорида қайд этилган Қонун талаблари ва Пленум қарорлари раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, жиноятни маст ҳолатда, ожиз аҳволдаги шахсга нисбатан, ғараз ва паст ниятларда содир этганлигини жазони оғирлаштирувчи ҳолатлари сифатида, унинг айбига иқрорлик билдириб, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймон эканлигини, оилавий аҳволи, яъни оиланинг ягона боқувчиси эканлигини, қарамоғида нафақадаги онаси борлигини, муқаддам судланмаганлигини, иш бўйича зарарнинг мавжуд эмаслиги, жабрланувчининг унга моддий ва маънавий даъвоси йўқлигини жазони енгиллаштирувчи ҳолати сифатида баҳолаб, содир этган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражаси ва хусусиятини, яъни тамом бўлмаган жиноят эканлигини эътиборга олиб, унга айбли деб топилган модда санкцияси доирасида ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни лозим деб ҳисоблайди.

Бундан ташқари суд, ашёвий далил деб эътироф этилган - “Редми 7-А” русумли уяли телефон аппарати жабрланувчи У.Мусаева дастлабки тергов даврида тилхат асосида қайтарилганлигини инobatга олишни;

ишда мавжуд бўлган 1 дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлашни белгилашни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 460, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ахмедов Азиз Жалолович Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 25,166-моддаси 1-қисми билан айбли деб топилсин ва унга шу моддага асосан иш ҳақининг 15 фоизи миқдорини давлат даромади ҳисобига ундирган ҳолда 2 (икки) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Жазони мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўташи белгилансин.

Жазони ўташ муддати корхона, муассаса, ташкилотда иш бошлаган кундан ҳисоблансин.

Жазони ижросини назорат қилиш Тошкен вилояти Юқоричирчиқ туман ИИО ФМБ зиммасига юклатилсин.

А.Ахмедовга нисбатан танланган “шахсий кафиллик” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Ашёвий далиллар - “Редми 7-А” русумли уяли телефон аппарати жабрланувчи У.Мусаевга дастлабки тергов даврида тилхат асосида қайтарилганлиги инобатга олинсин;

1 дона DVD дискни жиноят иши ҳужжатлари билан бирга сақлаш белгилансин.

Ҳукмдан норози тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан, маҳкум ва жабрланувчи ҳукмнинг кўчирма нусхаси топширилган кундан бошлаб йигирма сутка ичида Тошкент шаҳар судига шикоят бериш ёки протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи:

(имзо)

И.Мухамедова

Нусха аслига тўғри:

